XALQ DEPUTATLARI YANGIYO'L SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 22 - fevral VI-49-10-10-196-K/22 Yangiyo'l shahar hokimligi

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг 2022-йил 24-январдаги VI-47-1-10-196-К/22-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 412-моддасига асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида кўчмас мулк бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотларининг 1 кв.метри учун мутлоқ миқдорда белгиланган минимал қийматидан паст бўлиши мумкин емаслиги белгиланган.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ жойларда кескин ошиб кетишини олдини олиш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари белгиланган минимал қийматга шаҳар (туман)ларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, 0.5 гача камайтирувчи коеффициент киритиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 429 ва 437-моддаларида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғининг аниқ миқдорларини белгилаш назарда тутилган.

Шунга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида (юридик ва жисмоний шахсларнинг) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва

шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффицийентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаши кўзда тутилган.

Ўз навбатида, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашларига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқори Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига (юридик ва жисмоний шахсларнинг) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритиш ҳуқуқига ега.

Ўтган бир ой давомида вилоят ҳокимлиги мутасаддилари томонидан ўтказилган таҳлилларга кўра халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларга асосан ҳудудлар учун белгиланган солиқ ставкалари ўтган йилга нисбатан кескин ошиб кетаётканлигини кўриш мумкин ва буни олдини олиш бўйича тегишли таклифлар тақдим қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Буджет кодексининг 99-моддаси, “2022-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат буджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 24 январдаги 06/04-02-02-32/203-сонли (ХДФУ) хатига мувофиқ, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг 2022-йил 24-январдаги “Янгийўл шаҳарнинг 2022-йилги маҳаллий буджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-47-1-10-196-К/22-сонли қарорига тегишли ўзгартиришлар киритиш мақсадида, халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, (юридик ва жисмоний шахсларнинг) қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун шаҳарда белгиланган ер солиғи ставкалари қайта тасдиқланиши бўйича берилган таклифлар маъқуллансин.

2. Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг 2022-йил 24-январдаги “Янгийўл шаҳрининг 2022-йилги маҳаллий буджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги **VI**-47-1-10-196-К/22-сонли қарорига иловага мувофиқ тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ушбу қарор расмий еълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (И.Хожиев), ижросини таъминлаш молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Е.Абдувалиев зиммасига юклатилсин.

Shahar hokimi **F.Mirzayev**

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-49-10-10-196-К/22-сон қарорига
1-илова

Qarorning 4-ilovasi
quyidagicha tahrir etilsin:

Qishloq xo‘jaligiga mo‘ljallanmagan yerlar bo‘yicha Yangiyo‘l shahar kesimida yer solig‘i stavkalari uchun 2022-yilda belgilangan koeffitsentlar

T/r	MFY nomi	Yuridik shaxslardan undiriladigan yer solig‘i stavkalari, 1 ga uchun	
		Koeffitsiyent (0,5 dan 2 gacha)	Yer solig‘i stavkasi 2022 yil uchun (ming so‘mda)
1	Mustaqillik MFY	1,00	29 532,0
2	Sabo MFY	1,00	29 532,0
3	Navro‘z MFY	1,00	29 532,0
4	Oltinobod MFY	1,00	29 532,0
5	Baxt MFY	1,00	29 532,0
6	Mezon MFY	1,00	29 532,0
7	Fayzli MFY	1,00	29 532,0
8	Yangibog‘ MFY	1,00	29 532,0
9	Olmos MFY	1,00	29 532,0
10	Ishchilar shaharchasi MFY	1,00	29 532,0
11	Fayzobod MFY	1,00	29 532,0
12	Ramadon MFY	1,00	29 532,0
13	Turkiston MFY	1,00	29 532,0
14	Mevazor MFY	1,00	29 532,0
15	Farovon MFY	1,00	29 532,0
16	Qovunchi tepa MFY	1,00	29 532,0
17	Yangiobod MFY	1,00	29 532,0
18	Lazzat MFY	1,00	29 532,0
19	Bog‘bon MFY	1,00	29 532,0
20	O‘zbekiston MFY	1,00	29 532,0

21	Nov MFY	1,00	29 532,0
22	Bahor MFY	1,00	29 532,0

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 22 февралдаги
VI-49-10-10-196-К/22-сон қарорига
2-илова

Qarorga qo’shimcha 6-ilova
sifatida kiritilsin:

“Yuridik shaxslar bo‘yicha mol-mulk soliqlari uchun qo‘llaniladigan mutloq miqdorlari”

T/r	**Tuman va shaharlar nomi**	**Koeffitsiyent (mutloq miqdor)**	**Belgilangan qiymat (so‘m)**
1	Yangiyo‘l shahar	1,00	1 000 000,0